



SCIENCE AND EDUCATION

ISSN 2181-0842

VOLUME 3, ISSUE 1

JANUARY 2022

SCIENCE AND EDUCATION

SCIENTIFIC JOURNAL

ISSN 2181-0842

VOLUME 3, ISSUE 1

JANUARY 2022

SCIENCE AND EDUCATION

SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME #3 ISSUE #1

Executive Secretary

Tusmatova Nozima Inomovna

Editorial board

Ҳ. Ҳасанов

Jizzakh State Pedagogical Institute, Doctor of Chemical Sciences

S. Sangwa

African Leadership University, Doctor of Business Administration

S. Otakulov

Jizzakh Polytechnic Institute, Doctor of Physical and Mathematical Sciences

M. A. S. Khasawneh

King Khalid University, Special Education, PhD

Sh. Akramova

Military-technical Institute of the National Guard, Doctor of Pedagogical Sciences

E. M. Colocassides

College of Tourism & Hotel Management, Doctor of Science in Communication

H. Sultanov

Tashkent Pharmaceutical Institute, Doctor of Technical Sciences

Ya. L. Chernyavskaya

Tyumen State Medical University, Candidate of Philological Sciences

A. Sidjov

Tashkent Institute of Chemical Technology, Doctor of Chemical Sciences

W. B. Vidona

Edo State University, Anatomy, PhD

B. Kucharov

Institute of General and Inorganic Chemistry of the Academy of Sciences, Doctor of Technical Sciences

I. Eshmetov

Institute of General and Inorganic Chemistry of the Academy of Sciences, Doctor of Technical Sciences

M. Abdullaev

Andijon State University, Doctor of Historical Sciences

Z. Tojjeva

National University of Uzbekistan, Doctor of Geographical Sciences

N. Jiyanova

Tashkent Financial Institute, Candidate of Economic Sciences

X. Qobulov

Tashkent Financial Institute, Candidate of Economic Sciences

A. Nabiev

Tashkent Institute of Chemical Technology, PhD in Technical Sciences

A. Turgunbaeva

Namangan State University, PhD in Psychological Sciences

B. Xaynazarov

National University of Uzbekistan, PhD in Historical Sciences

M. Voxidova

Tashkent State Institute of Oriental Studies, PhD in Economics

A. Rahmonov

Republican Scientific-Practical Center, PhD in Pedagogical Sciences

G. Ochilova

Karshi Institute of Engineering and Economics, Candidate of Philosophical Sciences

B. Omonov

Karshi State University, PhD in Philosophical Sciences

O. Axmedova

Bukhara Institute of Engineering and Technology, PhD in Technical Sciences

G. Jumanazarova

Jizzakh State Pedagogical Institute, Doctor of Philological Sciences

T. Sabirjanov

Fergana Polytechnic Institute, Candidate of Technical Sciences

Масъуд котиб

Тусматова Нозима Иномовна

Тахририят

Ҳ. Ҳасанов

Жиззах давлат педагогика институтини, кимё фаълари доктори

S. Sangwa

African Leadership University, Doctor of Business Administration

С. Отакулов

Жиззах политехника институтини, физика-математика фаълари доктори

M. A. S. Khasawneh

King Khalid University, Special Education, PhD

Ш. Акрамова

Миллий гвардия ҳарбий-техник институтини, педагогика фаълари доктори

E. M. Colocassides

College of Tourism & Hotel Management, Doctor of Science in Communication

Б. Султонов

Тошкент фармацевтика институтини, техника фаълари доктори

Я. Л. Чернявская

Тюменский государственный медицинский университет, кандидат филологических наук

A. Sidjov

Тошкент кимё-технология институтини, кимё фаълари доктори

W. B. Vidona

Edo State University, Anatomy, PhD

B. Kucharov

Фаълар академияси Умумий ва ноорганик кимё институтини, техника фаълари доктори

I. Eshmetov

Фаълар академияси Умумий ва ноорганик кимё институтини, техника фаълари доктори

M. Abdullaev

Андижон давлат университетини, тарих фаълари доктори

Z. Tojjeva

Ўзбекистон миллий университети, География фаълари доктори

N. Jiyanova

Тошкент молия институтини, иқтисод фаълари номзоди

X. Qobulov

Тошкент молия институтини, иқтисод фаълари номзоди

A. Nabiev

Тошкент кимё технология институтини, техника фаълари PhD

A. Turgunbaeva

Наманган давлат университетини, психология фаълари PhD

B. Xaynazarov

Ўзбекистон миллий университети, тарих фаълари PhD

M. Voxidova

Тошкент давлат шарқшунослик институтини, иқтисодиёт фаълари PhD

A. Rahmonov

Республика шъмий-амалий марказ, педагогика фаълари PhD

G. Ochilova

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтини, фалсафа фаълари номзоди

B. Omonov

Қарши давлат университетини, фалсафа фаълари PhD

O. Axmedova

Бухоро муҳандислик-технология институтини, техника фаълари PhD

G. Jumanazarova

Жиззах давлат педагогика институтини, филология фаълари доктори

T. Sabirjanov

Фаргона политехника институтини, техника фаълари номзоди

132.	Дилшод Қодирович Маматов Применения инженерно - графических методов для решения логических задач и построения логических схем	820
133.	Дилшод Қодирович Маматов Проблема оснований современной художественной графике и черчении	826
134.	Дилшод Қодирович Маматов Знаметие художники и новые подходы к подготовке молодых специалистов - учителей рисования, разработка уроков художественной графике	832
135.	Дилшод Қодирович Маматов Фундаментальный вклад в создание инженерной графике и черчении	838
136.	Майрам Ибрагимовна Журабаева Постановка учебной задачи как средство языкового развития младшего школьника на уроках русского языка	844
137.	Ибрагим Файзуллаевич Каюмов Санъатнинг турлари ва уларнинг тарбиявий аҳамияти	849
138.	Шоира Умрзаковна Норова Роль народной музыки в духовно-нравственном образовании студентов	855
139.	Маруфжон Нодирджон углы Иннатуллаев Учебники, учебные пособие. Связь студентов с учебниками, любовь к применениям учебника. Методы и приёмы обучения по музыки	860
140.	Нафиса Пазлидиновна Каримова Сопоставительное исследование или глагольная полисемия русского языка	868
141.	Азиз Абдуманнонович Бўрибоев Кимё фанидан мустақил ишларни ташкил қилишда кўп танловли тест топшириқларидан фойдаланиш	875
142.	Ikrom Davronovich Murodov Oilada bola tarbiyasi	881
143.	Насиба Хамитовна Акрамова Организация и оценка самостоятельных работ студентов в курсе русского языка как иностранного	887
144.	Илхом Ахтамович Кушаев Педагогико-методические условия изучения традиционного музыкального наследия в образовании	893
145.	Олимхўжа Исломович Каримов, Ферангиз Илхом кизи Аҳмедова Айтим (вокал) асарлари мисолида кўшиқ ўргатиш имкониятлари	899
146.	Дилшода Дилмуродовна Тўймуродова Ўқувчиларни мусика санъатига бўлган қизиқишини оширишда педагогик технологиялардан фойдаланиш	911
147.	Ҳафиза Набиевна Ҳамидова Ўзбек мусиқий фольклорини ўқувчиларга ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари	916
148.	Миршод Жалилович Ходжиев Бухорча ва Мавриги тароналаринининг ўқувчилар маънавий-ахлоқий тарбиясидаги аҳамияти	922
149.	Ферангиз Авазхон кизи Шукурова Бухоро мусиқа фольклори эстетик тарбия воситаси	927
150.	Шахноза Шароповна Яҳёева Шашмақомнинг ўқувчилар эстетик тарбиясига таъсири	933
151.	Boboxon Jo'rayevich Mamurov Interfaol usullarni qo'llab kombinatorika elementlariga doir misollar yechish	938
152.	Maxmud Zuxurov Orkestr va ansambl partituralari bilan ishlash	945

Санъатнинг турлари ва уларнинг тарбиявий аҳамияти

Ибрагим Файзуллаевич Каюмов
БухДУ

Аннотация: Касбий мусиканинг мукамал ва мураккаб тизимда таркиб топганлиги, макомлар тизимининг ўзида намоён бўлиши билан фарқланади. Санъат-ижтимоий онг ва инсон фаолиятининг ўзига хос шакли. Санъат инсоният маънавий маданиятининг таркибий қисми, дунёни маънавий англашнинг махсус туридир. “Санъат” сўзи жонли тилимизда нечоғли кенг маънода қўлланмасин, табиийки, бизни унинг эмас, балки истилохий маъноси кизиқтиради. Истилохий маънода “Санъат” деганда инсоннинг гўзаллик қонуниятлари асосида борликни бадний ўзлаштириш (ва ўзгартириш)га қаратилган яратувчилик фаолияти ҳамда унинг натижаси ўлароқ вужудга келган жами нарсалар тушунилади.

Калит сўзлар: мусика, дунё билими, санъат, фаолият, кулалчилик, расм, каштачилик, тилла кашта.

Types of art and their educational importance

Ibragim Fayzullaevich Kayumov
Bukhara State University

Abstract: Professional music is characterized by a perfect and complex system, which is reflected in the system of status itself. Art is a specific form of social consciousness and human activity. Art is an integral part of human spiritual culture, a special kind of spiritual understanding of the world. No matter how broadly the word "art" is used in our living language, we are naturally interested in its terminological meaning, not its meaning. Terminologically, "Art" refers to the creative activity of man aimed at the artistic assimilation (and transformation) of being on the basis of the laws of beauty, as well as all the things that result from it.

Keywords: music, knowledge of the world, art, activity, ceramics, painting, embroidery, gold embroidery.

Санъат-ижтимоий онг ва инсон фаолиятининг ўзига хос шакли. Санъат инсон меҳнати, ақл-идроқи, шуури билан яратилган ижод маҳсулидир. Санъат асарида шахснинг ўзига хос истеъдоди намоён бўлади. Санъат инсоният маънавий маданиятининг таркибий қисми, дунёни маънавий англашнинг махсус туридир. “Санъат” кенг маънода, бадний кадриятлар, уларни яратиш (бадний

ижод қилиш) ва истеъмол (бадий идрок этиш) жараёнларини қамраб олади. Санъат ҳозирги даврга қадар инсоният тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. "Санъат" сўзи жонли тилимизда нечоғли кенг маънода қўлланмасин, табиийки, бизни унинг эмас, балки истилоҳий маъноси қизиқтиради. Санъатнинг қуйидаги икки тури фарқланади: амалий ва бадий (нафис). Амалий Санъат турларига қулоччилик, наққошлик, каштачилик, зардўзлик, либос яратиш каби соҳалар кирса, бадий Санъат турларига рассомлик, мусиқа, ҳайкалтарошлик, кино, театр, бадий адабиёт кабилар мансуб. Шунингдек, ифодали ва тасвирий Санъат турлари фарқланади. Баъзи санъат турлари тасвирласа, бошқалари ифодалайди. Айтайлик, мусиқа-ифода Санъат композитор оҳанглар орқали кечинмаларни ифодалайди ва шу оҳанглар руғиятимизда муайян бир кайфият ҳосил қилади. Рассомлик билан ҳайкалтарошлик тасвирий Санъат турлари бўлиб, унда бирор манзара, ҳолат мусаввир қалбини жунбишга келтириб, қалбида муайян кечинмаларни қўзатади ва мусаввир ўша манзарани ранг-тасвирга муҳрлайди. Шу тариқа санъат асарлари руҳиятимизга озиқ беради. Санъатнинг турли кўринишлари воқеликни, ундаги ҳодиса, нарса ва ҳолатларни ўзига хос усуллар ёрдамида акс эттиради. Масалан, мусиқада товушлар, уларнинг ўзаро боғланиши, уйғунлиги орқали; бадий адабиёт сўз, образлар орқали; тасвирий Санъатда бўёқлар ёрдамида муайян ҳиссий образ гавдалантирилади; театрда песа қаҳрамонларининг сиймоси актёрлар орқали намоён бўлади. Мавжуд Санъат турлари орасида бадий адабиёт етакчи ўрин тутаяди. Чунки бадий адабиёт универсал билиш ва ифода воситаси бўлмиш сўз билан иш кўради. Санъат ижтимоий ҳаётнинг мустақил бир соҳаси бўлиб, жамиятнинг барча томонларига таъсир ўтказаяди, ижтимоий онгнинг ҳамма шакллари билан алоқага киришяди. Санъат воқеликни бадий воситалар орқали янада тўлақонли, жозибали англашга ёрдам беради. Санъат учун инсон бош мавзу бўлиб хизмат қилади. Санъатда инсон ҳамма вақт ҳам бевосита ифодаланмайди. Санъат нарсалардан, табиат ҳодисаларидан инсон учун аҳамиятли бўлган маънони излайди, инсон қалбини поклайди, унинг ҳар томонлама камол топишида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Санъат қадимий тарихга эга бўлиб, у жамият тараққиётининг илк босқичларида меҳнат жараёни, шунингдек, кишилар ижтимоий ривожланиши билан боғлиқ ҳолда вужудга кела бошлаган.

Арасту, Афлотун каби ўша даврнинг йирик файласуфлари Юнонистонда Санъатнинг тарихи билан ҳам шуғуллангани тўғрисида маълумотлар сақланган. Қадимги Римда юнон Санъатига катта эътибор билан қаралган. Милoddан дастлабки асрларда Ўрта Осиё мамлакатларида меъморчилик ва Санъатга оид рисоалар яратилган. Ўрта асрларда Европада Санъат илоҳиётнинг (теология) бир қисми бўлиб қолади. Ўрта аср Санъатшунослари Санъатни нариги дунёнинг

бу дунёдаги моддий образи деб баҳолаган. Уйғониш даври Санъат ривожда муҳим давр бўлиб тарихга кирди. ХИВ-ХВИ асрларда инсонпарварлик ва реализм ғоялари билан бир каторда Санъатни черков таъсиридан ажратишга интилиш кучайди ва уни илмий тавсифлаш ё‘лида муҳим кадам қўйилди. Бу даврда Санъат унинг назарияси ва тарихи бўйича қимматли асарлар вужудга келди. Леонардо да Винчининг рассомликнинг илмий асослари ва имкониятлари, тасвирий Санъатда инсон маънавий ҳаётининг акс эттирилиши каби муҳим аҳамиятга эга бўлган фикрлари, Санъат одамларнинг эстетик талабларини қондириш билан бирга, ўз тараққиётининг турли давларида жамият аъзоларини маълум руҳда тарбиялаш, уларни ақлий ва ҳиссий жиҳатдан ривожлантириш воситаси сифатида хизмат қилиб келган, уларнинг турли мақсад, хис-туйғу, манфаат, идеалларини ифода этган. Санъат ижтимоий онгнинг бошқа шаклларида ўзининг предмети, мазмуни, воқеликни ифода этиш усули ва услуби, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ҳамда вазифалари жиҳатидан фарқ қилади. Санъат инсоннинг моддий ва маънавий фаолиятидаги билими, тажрибаси, маҳорати ва қобилиятларини намоён этувчи бадиий ижодиёт маҳсулидир. Эстетик тафаккур тарихида Санъат нарса ва ходисаларни қандай бўлса шундайлигича акс эттириш ва ҳаётни гўзаллик қонунлари асосида бадиий ифодалаш ғоялари сари юксалиб борди. Табиат, жамият ва инсоннинг ижтимоий, маънавий, миллий дунёси Санъат предмети ҳисобланади. Воқелик қайси шаклда бадиий ифода этилмасин, ижодкор унга маълум ижтимоий-эстетик идеал назардан муносабат билдиради ва ўз эстетик баҳосини беради. Санъатнинг тарбиявий кучи унда ифода этилган кечинма ва образларнинг ҳар бир ўқувчи, томошабиннинг қалбига кириб бориши, уларда эстетик завқ уйғонишидир.

Санъат барча ижтимоий онг шакллари сингари ўз тараққиёт қонунларига эга. Бу қонуниятлар Санъатнинг ўз ички хусусиятларидан келиб чиқсада, ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ бўлган халқ, миллат, элат, мамлакат ва жаҳон сивилизатсияси даражаси бу қонуниятларини ўз ифодасини топади. Санъат қонуниятларини эстетика, Санъатшунослик фани ўрганади. Санъатни тушуниш, унинг кишилар ҳаётидаги ролини аниқлаш масаласи бутун маданият тарихи давомида кескин баҳс, тортишувларга сабаб бўлиб келган. Масалан, баъзи Санъаткор ва Санъатшунослар уни “табиатнинг таклиди” ёки “воқеликнинг акс эттирилиши” деб ҳисобласа, бошқалари “Санъаткорнинг соф шахсий ижодий маҳсули”, “ўз-ўзини изҳор этиш” сифатида талқин этади. Бу Санъат предметининг мураккаблиги, унинг хусусиятлари ва шакллари, мужассамлаштиришнинг усулларининг хилма-хиллиги ҳамда турли даврларда Санъат назариётчиларининг синфий ва ғоявий фикрлари ўртасидаги тафовутлар билан изоҳланади. Санъатда гўзаллик категорияси муҳим аҳамият касб этади. Эстетика фани-гўзаллик Санъатнинг зарур шarti эканлигини, гўзалликсиз

Санъатнинг ёқлиги ва бўлиши мумкин ҳам эмаслигини уқтиради. Санъатда мазмун ва шакли бир-биридан ажратиб бўлмайди. Санъатнинг ўзига хос хусусияти унинг воқеликни илғор ғоявий назардан бадиий образлар орқали акс эттиришидир. Миллий истиқлол мафкурасини ёшлар онгига сингдириш жараёнида Санъат алоҳида ўрин тутди. Чунки Санъат юксак ижтимоий ғояларни тарғиб этувчи, инсон маънавий дунёқарашини кенгайтирувчи, уни шахс сифатида тарбияловчи воситалардан зарур бўлган ўзаро мулоқотлар воситаси сифатида турли қитъалар ва давлатларни ўзаро боғлайди. Зотан, инсон Санъатдан эстетик завқ, битмас-туганмас ижодий куч-қудрат олади ва шу маънода Санъат маънавий юксалишнинг энг таъсирчан куралига айланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Kayumov I.F. Psixologicheskie istoki muzyki // Academy. 62:11 (2020). С. 56-58.
2. Kayumov Ibroxim Fayzulloevich, JuraevaMaftuna Place of music in education of spiritual-spiritual countries 5-7 Klassov Obshche obrazovatelnix school // Problems of pedagogy. 2020. №3 (48).
3. Kayumov I. F. Values and aesthetic factors in the formation of culture and art // International Engineering Journal For Research
4. Qayumov I.F. The role of art in the development of the spiritual potential of young people 91
5. Fayzullaevich Q. I. Culture and art values and aesthetics in formation factors // Web of Scientist: International Scientific Research Journal. - 2021. - Т. 1. - №. 01. - S. 48-53.
6. Илҳом Ахтамович Қўшаев «Музиқа маданияти дарсларида халқ музиқаси намуналаридан фойдаланишнинг аҳамияти» Scientific progress 2021/1/5
7. РЭ Атамуратов «Педагог музыкальной культуры - это понятие о педагогическом творчестве и педагогической технологии» Вестник науки и образования 2020. 21-2 (99)
8. РЭ Атамуратов «Проявление социально-психологических механизмов мотивации музыкальной деятельности» Scientific progress 2021/2/2 стр. 433-437
9. ИФ Каюмов, М Жураева «Место музыки в воспитании духовно-нравственных качеств учащихся 5-7 классов общеобразовательных школ» Проблемы педагогики 2020.3(48) Стр.17-19
10. QI Fayzullaevich «Culture and art values and aesthetics in formation factors» Web of Scientist: International Scientific Research Journal 2021/2/25